

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 776-ҳадис

776 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُشْرَبَ مِنْ فِي السِّقَاءِ وَالْقَرْبَةِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5627].

776. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам меш ва сувдоннинг оғзидан сув ичишни таъқиқладилар».

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Сувдоннинг оғзидан ичишдан қайтаришнинг маъноси шуки, ичига бирор зарарли жонивор кириб қолган бўлиши мумкин. Шунингдек, баъзилар биров ичган идишдан сув ичишни ёқтирмаслиги мумкин. Қолаверса, ичаётганда оғиздан туфук ёхуд нафас қайтиши ҳам мумкин, бу эса макруҳдир.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI